

УДК 338.43

**Матрасулов Баходир Эрбутаевич,
Гулистанский государственный университет
старший преподаватель кафедрой
«Бухгалтерский учет и финансы»**

**ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ
ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

Аннотации. В статье рассмотрен вопрос эффективного государственного регулирования экономики, сложный процесс, связанный с механизмом государственной поддержки производителей аграрного сектора. В статье представлены идеи и мнения экономистов по данному вопросу, а также сравнительная классификация понятия «государственное регулирование». Государственное регулирование сельскохозяйственного производства как понятие отражает сетевой характер, раскрываются специфические особенности сельского хозяйства.

Ключевые слова: государство, государственное регулирование экономики, инвестиции, рыночные отношения, государственная поддержка.

**Matrasulov Bakhodir Erbutaevich,
Gulistan State University
senior lecturer of the department
"Accounting and Finance"**

**MAIN TRENDS IN THE FORMATION OF A SYSTEM OF STATE
REGULATION OF AGRICULTURE**

Annotations. The article examines the issue of effective state regulation of the economy, a complex process associated with the mechanism of state support for producers in the agricultural sector. The article presents the ideas and opinions of economists on this issue, as well as a comparative classification of

the concept of “state regulation”. State regulation of agricultural production as a concept reflects the network nature, and the specific features of agriculture are revealed.

Key words: state, state regulation of the economy, investments, market relations, state support.

**Матрасулов Баходир Эрбутаевич,
Гулистон давлат университети
“Бухгалтерия ҳисоби ва молия”
кафедраси катта ўқитувчиси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА
СОЛИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

***Аннотация.** Мақолада иқтисодиётни самарали давлат томонидан тартибга солиш масаласи, қишлоқ хўжалиги тармоғида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш механизми билан боғлиқ мураккаб жараён баён қилинган. Мазкур масала юзасидан иқтисодчи олимларнинг гоялари, фик ва мулоҳазалари, шунингдек, мақолада “давлат томонидан тартибга солиш” тушунчасини таққослама таснифи келтирилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан тартибга солиш концепция сифатида тармоқ хусусиятини акс эттириши, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.*

***Калим сўзлар:** давлат, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, инвестиция, бозор мунособатлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.*

Кириш. Иқтисодиётни самарали давлат томонидан тартибга солиш масаласи ҳар доим назариясида ҳам, уни амалга ошириш амалиётида ҳам энг қийин соҳалардан бири ҳисобланган. Кўпгина тадқиқотчилар ушбу иқтисодий ҳодисанинг муҳим жиҳатларини - давлат аралашуви, иқтисодий

жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш кабиларни ўрганишга ҳаракат қилганлари ва ҳозирда ҳам тадқиқ қилишлари бежиз эмас.

Сўнги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги барқарор ва рақобатбардош ривожланиш траекториясига интилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегиясида Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш – мақсад қилиб олинган. Унга кўра, аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестицияларни жалб қилиш орқали қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва соҳада кўзланган мақсадлар учун молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ параметлари белгиланган [1].

Методлар ва тадқиқотлар. Таҳлил давомида статистик таҳлил, синтез, индукция, дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш ва илмий абстракция ҳамда регрессив таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот ва натижалар. Мазкур масала узоқ йиллар давомида иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлган ва турли илмий мактаблар ва йўналишлар амалиётчиларнинг ўзаро кескин, зиддиятли қарашлари, ёндашувларининг тадрижий кураши асосида шаклланган. Иқтисодиёт ривожланишида давлатнинг роли масаласида ҳозирги замон иқтисодиёти назарияси асосчилари ҳисобланган олимлар А.Смит (1723-1790) ва Д.Рикардо (1772-1823)ларнинг қарашлари давлатнинг ҳар қандай аралашуви натижада иқтисодий тараққиётни секинлаштиради, деган фикрлар билан изоҳланади. Масалан, А.Смит ғояси қуйидагича: «Бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи бошқаришга мослашган, унинг асосида кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилиш билан боғлиқ «кўринмас қўл», яъни шахсий манфаат ётади». А.Смит хулосасига кўра, иқтисодиётни тартибга солишда давлат аралашуви камайтирилса, иқтисодиёт самарали амал қилади ва бозор бутунлай эркин бўлиши зарур [2], деб таъкидлайди.

Энди бевосита қишлоқ хўжалиги тармоғида давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш механизми билан боғлиқ бундай мураккаб мавзунини тадқиқ қилишга ўтсак, соҳани давлат томонидан тартибга солиш тизимида биз биринчи навбатда иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш тушунчасининг ўзига аниқлик киритишга, бу соҳадаги етакчи олимларнинг нуқтаи назарини тушунишга ҳаракат қиламиз.

Шундай қилиб, ўзбек изоҳли луғатида давлат тушунчаси қуйидагича таъриф берилди: “Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турувчи кучларни қаршилигини синдирувчи, ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлар тизимида эга бўлган мустақил мамлакат”[3] ”таниқли рус тилининг изоҳли луғати давлат тушунчасини жамиятнинг асосий сиёсий ташкилоти, унинг бошқарувини амалга оширадиган ва унинг иқтисодий ва ижтимоий тузилишини ҳимоя қилувчи сифатида белгилайди.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “давлат –мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма. Давлат жамиятни ўз қонун-қоидаларига кўра идора қилади, турли тип, шаклларда ташкил топади”[4].

Институционал ёндашувга мувофиқ унинг асосий моҳиятини “трансакция харажатлари” категориясидан фойдаланган ҳолда Д.Норт қуйидагича таърифлайди, “давлат –зўрликни амалга оширишда қиёсий устунликларга эга бўлган, чегаралари унинг фуқароларга солиқ солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудудни қамраб олувчи ташкилот”[5]. Бинобарин, давлат томонидан тартибга солиш, энг аввало, давлатнинг жамият манфаатлари йўлида унинг мавжудлиги, намоён бўлишининг турли соҳаларида мақсадли фаолиятидир.

Шундай қилиб, машҳур Б. А. Раизберг, Л. Ш. Лозовский ва Е. Б. Стародубцеванинг “Замонавий иқтисодий луғати”[6] иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни “... давлат органлари томонидан ифодаланган давлатнинг иқтисодий объектлар ва жараёнларга таъсири ҳамда уларда иштирок этувчи шахслар манфаатлари, жараёнларга уюшқоқлик тус бериш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш, қонун ҳужжатларига, давлат ва жамият талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади”.

Уларнинг фикрича, давлат томонидан тартибга солиш сўзнинг кенг маъносида “...прогнозлаш, режалаштириш, молиялаштириш, бюджетлаштириш, солиққа тортиш, кредитлаш, маъмуриятчилик, ҳисобга олиш, назорат қилиш”ни ўз ичига олади.

Нуфузли олимларнинг фикрича, давлат томонидан тартибга солиш марказлашган иқтисодиётда ҳам, бозор иқтисодиётида ҳам содир бўлади, лекин тартибга солиш шакллари сезиларли даражада фарқланади. Масалан, марказлашган иқтисодиётни кўриб чиқсак, у директив режалаштириш ва бошқарувга эътибор беради, лекин бозор иқтисодиёти аллақачон бюджетлаштириш, солиққа тортиш, шунингдек, кредитлаш, давлат харидлари ва қонунчилик такомиллашуви билан изоҳланади.

Бозор муносабатлари шароитида давлат томонидан тартибга солиш иқтисод жамият тараққиётининг объектив иқтисодий қонуниятларига ва энг аввало талаб ва таклиф қонунига, қиймат қонунига ва бошқаларга асосланади. Давлат томонидан тартибга солиш бозор тизимининг ишлаши учун ҳуқуқий асосни таъминлашга қаратилган бўлиб, унда ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва маҳсулот истеъмолчилари ўртасида ҳуқуқий ва самарали муносабатлар ўрнатилади.

Бошқа қарашлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, А. Б. Борисов [7] Катта иқтисодий луғатда давлат томонидан тартибга солишга ўзининг таърифини бериб, уни давлат органлари томонидан ифодаланадиган давлатнинг

иқтисодий объектлар ва жараёнларга ва уларда иштирок этувчи шахсларга таъсири сифатида белгилайди. У давлат томонидан тартибга солиш функциялари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: ижтимоий-иқтисодий муносабатларга уюшган характер бериш, жараёнлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг тартибли фаолият юритиши, қонунларга риоя этилишини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш.

Хориж манбаларида масалан, Оксфорд расмли энциклопедиясида [8] давлат томонидан тартибга солиш давлат томонидан тегишли соҳада таклиф этилаётган фаолият қоидаларини белгиловчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш орқали жамият ҳаётининг муайян соҳасини ташкил этишга давлатнинг мақсадли таъсири сифатида талқин этилади. Давлат томонидан тартибга солиш ва ушбу масала бўйича тегишли таърифларни соддалаштириш учун асосий муаллифларни аниқлаш учун биз махсус жадвал ишлаб чиқдик, унинг бир қисми қуйида келтирилган (1-жадвал).

1 – жадвал. “Давлат томонидан тартибга солиш” тушунчасини таққослама таснифи

Аниқлаштириш	Манба	Таянч иборалар	Қисқа мазмун ва моҳияти
Давлат томонидан тартибга солиш	Б. А. Райзберг, Л. Ш. Лозовский, Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006.– С.80.	Давлат томонидан тартибга солиш, иқтисодий объектлар, таъсир доираси, жамоат манфаатлари	Давлат томонидан тартибга солиш давлат органларининг иқтисодий объектлар ва жараёнларга, уларда иштирок этувчи шахсларга таъсири орқали амалга оширилади. Бундан кўзланган мақсад хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солиш, қонунлар, давлат ва жамият манфаатларига риоя этилишини таъминлашдан иборат[9].
Давлат томонидан тартибга солиш	Новый экономический словарь / под ред. А. Н. Азрилияна. – М.: Институт новой экономики, 2006. – С.734.	Давлат томонидан тартибга солиш, иқтисодий тартибга солиш, ижтимоий тартибга солиш.	Давлат томонидан тартибга солишда иқтисодий ва ижтимоий турларига ажратилиб кўрсатилган.
Давлат томонидан тартибга солиш	Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. Ўқув	Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви,	Давлатнинг жамият манфаатларини кўзлаб, иқтисодиётга аралашуви ва уни

	қўлланма.2-нашр, кайта ишланган.-Т.: Иқтисодиёт, 2013.-153-бет.	иқтисодиётни тартибга солиш, иқтисодиёт субъектлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар	тартибга солиши жараёнлари ва бунда давлат билан иқтисодиёт субъектлари ўртасида юзага келадиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади [10].
Давлат томонидан тартибга солиш	Ҳ.П.Абулқосимов М.Ҳ. Абулқосимов С.Р. Топилдиев Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш Иқтисодиёт, 2019.	иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, давлатнинг иқтисодий сиёсати, иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар	иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлатнинг иқтисодий сиёсати – давлатнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир этиш мақсадида бозор иқтисодиётининг амал қилиши учун қулай шароитларни яратишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлари йиғиндисидир [11].
Давлат томонидан тартибга солиш	Государственное регулирование экономики / Т. Г. Морозова, Ю. М. Дурдыев, В. Ф. Тихонов и др.; Под. ред. проф. Т.Г. Морозовой. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. –255 с.	Иқтисодиётни тартибга солиш, давлат аралашуви ва иштироки, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсир қилиш усуллари ва воситалари	Давлат томонидан тартибга солиш – бозор муносабатларини самарали шакллантириш мақсадида ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга таъсир қилиш усуллари ва воситалари ёрдамида давлат аралашуви ва иштироки [12]
Давлат томонидан тартибга солиш	Экономика. – М.: Юристъ. А.С. Булатов. 1999.	Давлат томонидан тартибга солиш, иқтисодий жараёнлар, иқтисодий сиёсат.	Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш – “давлатнинг жамиятнинг иқтисодий ҳаётига ва у билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, бу жараёнда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати муайян таълимотга асосланган ҳолда амалга оширилади”.
Давлат томонидан тартибга солиш	Бурханов А.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. “Зиё маатба-нашриёти”, 2022 йил 105- бет.	Давлат аралашуви, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш.	Давлат аралашувисиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғри даражада ушлаб туриш муаммосини ҳал қилиб бўлмади [13].

Ҳозиргача иккита муҳим илмий мактаб мавжуд бўлиб, улардан бири йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши позициясида (академиклар В. Добринин, В. Милосердов, Г. Беспяхотний ва бошқалар) [14], иккинчиси самарали деҳқон хўжалиги позициясини ҳимоя қилади (В.Башмачников, В. Узун, В. Тихонов ва бошқалар) [15]. Бу олимлар қишлоқ хўжалиги ўзига

хос тармоқда бозор механизмлари иқтисодиёт реал секторининг бошқа тармоқларидаги каби тўлақонли фаолият юрита олмайди, деб ҳақли равишда таъкидлайдилар.


Академик В.В.Милосердов каби олимлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан бошқаришнинг кўплаб вариантлари ва механизмларини таклиф қилди, бунда тармоқни бозор ривожланишининг самарали воситаларини инкор этди; маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, агросаноат комплексининг асосий соҳаларини ривожлантиришга давлатнинг ўзига хос аралашуви сифатида баҳолайдилар [16]. А.Бурхановнинг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви аграр соҳадаги муносабатлар, энг аввало, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нарх сиёсатига бозор тамойилларини жорий этишда ўз аксини топиши керак [17] деб ҳисоблайди, ундан ташқари А.Бурханов қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантириш ташкилий масалаларни ривожланган давлатлар даражасида унга мотивация, стимул бериш, давлат томонидан кўллаб қувватлаш, бу борада фермер ва деҳқон хўжаликларини раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш, субсидия кўринишидаги имтиёзли кредит, солиқ имтиёзлари каби воситалардан фойдаланиб потенциал имкониятларни тўлиқ ишга солиш зарур [18] деб таъкидлайди.

Бозор муносабатлари шароитида 2017-2022-йилларда қишлоқ хўжалигида асосий капиталга қўйилган инвестициялардаги улуши шу даврда 9,9 баробарга ошди. Ушбу даврда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг умумий ҳажми 2,3 мартага ўсган ва 2022 йилда 347600 млрд. сўмни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал. Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ва унда яратилган ялпи маҳсулот ҳажми

йиллар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
--------	------	------	------	------	------	------

Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар, млрд. сўм.	2004,3	3561,1	15141	18025,5	18934,9	19900
Қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот, млрд.сўм.	148199,3	187425,6	216283,1	250250,6	303415,5	347600



1-расм. Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестицияларнинг яратилган ялпи маҳсулотга боғлиқлигининг иқтисодий модели

1-расмдаги моделдан кўришиб турибдики, $R^2=0,9875$ қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ва қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот ўртасида жуда кучли боғлиқликни кўрсатади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қишлоқ хўжалигига қанча кўп инвестиция киритилса, унинг самарасини қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот ҳажми ўсишида намоён бўлади.

Хулоса

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан тартибга солиш концепция сифатида тармоқ хусусиятини ақс эттириши, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини – табиий омилларга боғлиқлигини ҳисобга олиши керак. Дала ишларининг мавсумийлиги; меҳнатни тежаш, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларининг чекланган имкониятлари, қишлоқ хўжалиги меҳнатининг консерватив характери, иқтисодий ва экологик омилларнинг чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигига субсидиялар, имтиёзли кредитлаш ва солиққа тортиш, божхона ва тарифларни тартибга солиш, меҳнат мотивациясини ошириш ва қишлоқ жойларини ижтимоий ривожлантиришнинг самарали механизмларини излаш орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруриятини келтириб чиқаради. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш, биринчи навбатда, озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг марказий бўғини ёки агросаноат мажмуасининг ишлаб чиқариш соҳасининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган бўлиши зарур.

Қишлоқ хўжалигига киритилган инвестицияларни кўпайтириши тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи маҳсулот оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” стратегияси. Lex.uz.

2. Адам Смит. «Халқлар бойлиги» (The Wealth of Nations by Adam Smith).

3. Мадвалиев А. таҳрири остида. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. www.ziyouz.com. Kutubxonasi.

4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. Гидрофилия-Зебралар. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов ва бошқалар.-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2002.-148-бет.

5. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики—М.: Фонд экономической книги “Начала”, 1997. —С.54-55.

6. Райзберг, Б. А. Современный экономический словарь. — 5-е изд., перераб. и доп. — [Текст] / Б. А. Райзберг, Л. Ш. Лозовский, Е. Б. Стародубцева — М.: ИНФРА-М, — 2006. — 495 б.

7. Борисов, А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, – 2003. – 895 с.
8. Народы и культуры. Оксфордская иллюстрированная энциклопедия. – М.: Инфра-М. Под ред. Р. Хоггарта. 2002.
9. Новый экономический словарь / под ред. А. Н. Азрилияна. – М.: Институт новой экономики, 2006. – 1088с.
10. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. 2-нашр, қайта ишланган. -Т.: Иқтисодиёт, 2013. -153-бет.
11. Ҳ.П.Абулқосимов М.Х., Абулқосимов С.Р. Топилдиев. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш Иқтисодиёт, 2019
12. Морозова, Т. Г. Государственное регулирование экономики [Текст] / Т. Г. Морозова, Ю. М. Дурдыев, В. Ф. Тихонов и др.; Под. ред. проф. Т. Г. Морозовой. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, – 2002. – 255 с
13. Бурханов А.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. дарслик. “Зиё маатба-нашриёти”, 2022 йил 105- бет.
14. Беспехотный, Г. В. Механизмы государственного финансирования инвестиционного развития сельского хозяйства [Текст] / Г. В. Беспехотный // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. – 2015. – № 8. – С. 2-6.
15. Узун, В. Я. Методы оценки влияния аграрной политики на развитие сельского хозяйства [Текст] / В. Я. Узун, Е. А. Гатаулина, В. А. Сарайкин, Н. А. Карлова. – М.: РАНХиГС. – 2014. – 115 с.
16. Милосердов, В. В. Экономические механизмы хозяйствования, обеспечивающие продовольственную безопасность страны [Текст] / В. В. Милосердов // Агропродовольственная политика России. – 2017. – № 12. – С. 2-9.
17. Бурханов А. СУЩНОСТЬ И ОСОБЕННОСТИ НОВЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ //International Journal of Economics and Innovative Technologies. – 2023. – Т.

11. – №. 2. – С. 166-179.

18. Бурханов А. ИННОВАЦИЯ–ГЛАВНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ И ДОХОДОВ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА //Innovatsion texnologiyalar. – 2023. – Т. 50. – №. 02. – С. 121-129.